
"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Бош директор ўринбосари
Б.Т. Салоҳиддинов



«9» декабрь 2024 й.

Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари мавзусида давра суҳбати баённомаси

Тошкент ш. **2024 йил 9 декабрь**

Қатнашдилар: "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ ходимлари.

Маърузачи: Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим О.Э.Умурзаков

О.Э.Умурзаков: ***Коррупция*** — бу шахснинг ўз хизмат мавкеини шахсий манфаатлари ёки бошқа ноконуний мақсадларда суиистеъмол қилиши. Одатда коррупция давлат идоралари, бизнес, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда юзага келади ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ривожланишига жиддий зарар етказади. Коррупция ҳар қандай жамиятда учраши мумкин, лекин унинг даражаси ва кўлами турлича бўлиши мумкин.

Коррупция шакллари:

Коррупция турли шаклларда намоён бўлади. Энг кенг тарқалган шакллари:

1) ***порахўрлик*** - мансабдор шахснинг моддий ёки бошқа фойда эвазига ноқонуний қарорлар қабул қилиши ёки хизмат кўрсатиши;

2) ***мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш*** - мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини шахсий ёки гуруҳ манфаатлари йўлида нотўғри ишлатиши;

3) ***давлат маблағларини ўзлаштириш*** - давлат ёки ташкилот маблағларидан ноқонуний фойдаланиш;

4) ***непотизм*** (ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ёки таъсир ўтказиш) ва ***фаворитизм*** (битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши) - оила аъзолари, дўстлари ёки танишларига имтиёзлар яратиш;

5) ***қонунлар ва сиёсий тизимни бузиш*** - давлат бошқарув тизимини атайлаб заифлаштириш ёки ўзлаштириш орқали ноқонуний мақсадларга эришиш.

Коррупция сабаблари:

Коррупциянинг келиб чиқиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

1) ***тизимли ва институтционал заифлик*** - қонунлар ва назорат механизмларининг етарлича кучли бўлмаслиги коррупцияга йўл очади;

2) ***маълумот ва шаффофлик етишмаслиги*** - давлат ва хусусий ташкилотларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг етарли даражада эмаслиги;

3) ***иқтисодий омиллар*** - кам маош, ишсизлик ва иқтисодий муаммолар коррупцияга ундайди;

4) ***маданий ва ахлоқий қадриятларнинг бузилиши*** - коррупцияни ижтимоий норма сифатида кабул килиш, унинг жиддий салбий окибатларини тан олмаслик.

5) ***жазо муқаррарлигининг йўқлиги*** - коррупция содир этган шахсларга нисбатан етарлича жазо қўлланилмаслиги бу ҳолатни рағбатлантиради.

Коррупциянинг оқибатлари:

- иқтисодий ривожланишнинг секинлашуви;
- ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши;
- давлат бошқарув тизимига ишончнинг пасайиши;
- инвестициялар ва бизнес мухитининг заифлашиши.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, коррупция жамият учун жиддий хавф ҳисобланади. Унинг олдини олиш учун қонунларни такомиллаштириш, назорат тизимларини кучайтириш, жамоатчилик иштирокини ошириш ҳамда шаффофликни таъминлаш зарур. Шу билан бирга, ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ва коррупция билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилиш якунида маърузачи иштирокчилар саволларига батафсил жавоб берди.

Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим **О.Э.Умурзаков**